



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 21 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (12.520)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ғабдулов (ЎА) олган суратлар

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Енгил саноат замонавий бозор шароитида иқтисодиёт юксалишини, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишда муҳим ўрин тутди. Жаҳонда пахта толасини ишлаб чиқаришда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган Ўзбекистон ташқи бозорга хомашё ўрнига юқори қўшимча қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бермоқда.

«Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибига қирадиган 280 корхонада ип, газлама, тикувчилик, тикувчилик-трикотаж, пайпоқ каби хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Улар орасида дунёнинг етакчи мамлакатларидаги хорижий ҳамкорлар иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналар ҳам кўп. 2008-2011 йилларда соҳага 450 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестиция жалб қилинган.

Хозирги кунда «Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли барча корхоналарда бир йилда 320,2 минг тонна ип, 225,2 миллион погон метр ип-газлама, 54,6 минг тонна трикотаж полотно, 179 миллион дона тикувчилик-трикотаж буюмлари ва 45 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилаётди. Жорий йилда компания корхоналари томонидан жами қиймати қарийб 2 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрлаш режалаштирилмоқда.

«Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, мамлакатимизда самарали меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани енгил саноатни жадал ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони соҳага инвестиция киритиш учун кенг имкониятлар очиб берди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ хорижий инвесторларга қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари тақдим этилди. Бу борадаги ишларни амалга оширишда янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини модернизация қилиш имконини бераётган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, «Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси 2013 йилда 5,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган 30 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни режалаштирган. Бугунги кунда лойиҳаларнинг катта қисми ҳаёtgа татбиқ этилди. Мисол учун, шу йилнинг сентябрь ойида янги 10 саноат корхонаси фойдаланишга топширилди. Улар 29,5 тонна ип, 6,2 миллион дона трикотаж маҳсулот, 3,02 миллион жуфт пайпоқ, 120 тонна ипак ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Жиззах вилоятида лойиҳа қиймати 42 миллион долларлик «Жиззах пластик» масъулияти чекланган жамияти йигирув корхонасининг ишга туширилиши 2013 йилдаги энг муҳим лойиҳалардан биридир. Фарғона вилоятидаги «Индорама

Кўкон текстиль» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида иккинчи лойиҳа ҳам амалга оширилди. Бу ерда йилга 7 минг тонна ип ишлаб чиқарилади.

Жанубий корейлик инвесторлар билан тузилган икки томонлама ҳамкорлик доирасида тўқимачилик комплексларини қуриш ва фаолият кўрсатаётганларни модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида йилга 6 минг тонна ип ишлаб чиқарадиган «Текстиль техноложиз групп» хорижий корхонасини ташкил этишга доир лойиҳанинг биринчи босқичи якунланди. Лойиҳанинг тўлиқ амалга оширилиши ип-газлама ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, енгил саноатни хорижий инвестиция ҳисобидан жадал ривожлантириш экспорт салоҳиятини ошириш ва етказиб бериш қўламини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги кўмағида бугун Бразилия, Бангладеш, Индонезия, Перу, Чили, Колумбия, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда. Натижада ўтган йили экспорт қилинган маҳсулотлар умумий ҳажмида тайёр маҳсулот улуши 35 фоизни ташкил этди ва бу 2011 йилга нисбатан 25 фоизга кўпдир.

Ички бозорда ип ва трикотаж полотно каби ярим тайёр маҳсулотларнинг сотилиши 2011 йилга нисбатан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 2, пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 марта ошириш имконини берди.

«Ўзбекгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг халқаро ярмарка ва кўргазмаларда иштирок этаётгани чет эллик ҳамкорлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда янги бозорлар топишининг самарали механизмларида биридир. Бу корхоналар Осиё ва Европа мамлакатларида бўлиб ўтган ихтисослаштирилган форумларда ўз маҳсулотларини бир неча марта намойиш этди. Бунинг натижасида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё мамлакатларида 55 дилерлик тузилмаси ташкил қилинди.

Мухтасар айтганда, ярмарка ҳар доимгидек, музокаралар ўтказиш, ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон енгил саноатини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

(ЎзА)

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида 29 октябрдан 2 ноябргача VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтади.

Президентимиз Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида жорий йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорлиқни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатбардорлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркорлигини таъкидлади.

Юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиган кимё, нефть-газ ва нефть-кимё саноатини, машинасозлик, металл қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил, озиқ-овқат саноатининг юқори технологияларга асосланган тармоқларини ва бошқа соҳаларни юксак даражада ривожлантириш олдимизга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий манбаи бўлиши лозим.

Амалиёт шуни кўрсатадики, импорт ўрнини босиш, маҳаллийлаштириш ва кооперация саноат ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим воситаларидир. Ана шу уч таркибий қисм янги, самарали технологияларни жорий этиш, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шу асосда замонавий рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, ички бозорда товар ҳамда хизматлар барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодиётнинг саноат секторини янада ривожлантириш вазифасини ҳал этаркан, узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш, кенгайтириш, саноат корхоналарининг ички тармоқ, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида зарур хомашё ҳамда кредит ресурсларидан эркин фойдаланишнинг таъминлаш мақсадида бозор инфратузилмасини тақомиллаштиришга муҳим омил бўлмоқда. Ушбу йирик тадбир давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳар йили ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон саноатчиларининг мазкур йирик форумида иштирокчилар нафақат ўз маҳсулотларини намойиш этиш, балки ишлаб чиқаришга доир техник янгиликлар, ҳамкор тармоқлар ва корхоналар имкониятлари билан танишиш, ишлаб чиқарилаётган материаллар ва бутловчи буюмларга бўлган яқин истиқболдаги эҳтиёжни аниқлаш имконига эга бўлади.

Бунинг натижасида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этишга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда ва бу мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни, жумладан, экспортга етказиб бериш бўйича тузилётган шартномалар ҳажмига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йили мазкур тадбирда 1,1 мингдан зиёд корхона ва компания қатнашиб, саноатнинг турли тармоқларида талаб юқори бўлган 11 мингдан ортиқ экспортбон маҳсулотни, жумладан, 2011-2012 йилларда ўзлаштирилган қарийб 900 турдаги янги маҳсулот намуналарини намойиш этди. Ушбу маҳсулотлар билан танишиш мақсадида мамлакатимизга дунёнинг 51 давлатидан йирик компания ва фирмаларнинг минг нафардан ортиқ вакили ташиф буюрди.

Бу галги VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига ҳам қизиқиш катта ва иштирокчилар унда кўплаб янгиликларга гувоҳ бўлади. Мазкур тадбирларга Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралда қабул қилинган «2013 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан пухта тайёр-гарлик кўрилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг март-июнь ойларида бўлиб ўтган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичида мамлакатимизнинг барча вилоятларида ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари ташкил қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ярмаркалари ҳам ўтказилди. Ушбу истеъмол товарлари давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 29 январда қабул қилинган «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб қиришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорига асосан ишлаб чиқарилаётди.

Ҳудудий босқичларда қатнашган уч мингдан зиёд корхонанинг 1800 дан ортиғи халқ истеъмолоти товарлари ишлаб чиқаради. Стендларда саноатнинг турли тармоқлари учун мўлжалланган қарийб 16 минг турдаги маҳсулот намойиш этилди. Тадбирларга корхона, фермер хўжалиқлари, ўқув юртларининг 75 минг нафардан зиёд, жумладан, дунёнинг 25 мамлакатидан хорижий компанияларнинг 356 нафар вакили ташиф буюрди. Биринчи босқич давомида саноат кооперацияси доирасида қиймати 446,4 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича хўжалик шартномалари имзоланди. Уларнинг 22 фоизини истеъмол товарлари етказиб бериш шартномалари ташкил қилди, экспорт шартномаларининг қиймати эса 224,9 миллион долларга тенг бўлди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қашқадарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Гулистонда қишлоқ врачлик пунктларининг энг намунали умумий амалиёт шифокори ҳамда патронаж ҳамшираси кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазибалар ижросини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктлари шифокорларининг тажриба, билим ва касбий малакаларини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур танловда туман босқичларида ғолиб чиққан 19 нафар умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси иштирок этди.

● «Ўзавтотеххизмат» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар ишчи ва хизматчилари ўртасида ўтказилаётган «Йил устаси» республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда «Андижон-автотеххизмат» ёпиқ акциядорлик жамияти шохобчаларида ишлайдиган 9 нафар малакали уста «Нексия», «Ласетти» ва «Дамас» автомобилларига техник хизмат кўрсатиш, уларнинг юриш, электр қисмлари ҳамда двигателини кўриқдан ўтказиш, носоз қисмларини қисқа вақт ичида таъмирлаш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

● Қарши шаҳрида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлими ташаббуси билан «Либослар жислоси» фестивали бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг йирик лойиҳаси «Art Week Style.uz – 2013» санъат ҳафталиги олдидан ташкил этилган фестивалда иқтидорли ва ҳаваскор ёш дизайнерларнинг ўзига хос услубларда тикилган либослари намойиш этилди. Тадбир доирасида ёш дизайнерлар учун маҳорат дарслари ўтказилиб, ёш фотографларнинг ижод намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг молия вазирлари бутун қитъа бўйича фаолият кўрсатувчи молия ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг «Банк уюшмаси» деб номланган янги тизимини ташкил этиш тўғрисида келишиб олишди. Бундан асосий мақсад 2008 йилда рўй бергандаги каби йирик молиявий инқирозларнинг олдини олишдир.

● Жаҳоннинг турли мамлакатларидан жамланган кўнгилчиларнинг учта жамоаси Австриянинг Инсбрук шаҳрида жойлашган парвозларни бошқариш маркази томонидан уюштирилган, келгусида Марс сайёрасига парвоз давомида қўлланилиши кўзда тутилган учта тажрибавий скафандрларнинг тест синовларида иштирок этишди. Жамоалар тўсиқлардан ошиб ўтиш, сумкадан камерани олиш, тадқиқот учун тупроқ намуналарини йиғиш, жойлаш ва белги қўйиш каби бир нечта топшириқларни бажардилар. Тадқиқот натижалари келгуси йилнинг бошларида эълон қилинади.

● Япониянинг Хонсю оролида «Вип-ха» кучли тўфони натижасида камида ўн тўрт киши ҳаётдан кўз юмди. Бедарак йўқолган кўплаб кишиларнинг тақдирлари ойдинлашганидан сўнг, ҳалок бўлганларнинг сони ортиши мумкин. Тўфон мамлакат пойтахти Токио атрофидаги шаҳарчаларга ҳам катта зарар етказиб, бир қатор иншоотларнинг жиддий шикастланишига олиб келди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ўтказилган матбуот анжумани

мани «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида норма ижодкорлиги: муаммо ва ечимлар» мавзуга бағишланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат

консерваториясида «Ораста қизлар» фестивалининг Республика босқичи ўтказилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 18-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Ёшлар

«оммавий маданият»га қарши» шиори остида ўтказилган ижтимоий акциянинг еттита номинация бўйича ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлашнинг мақсадида дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётта, меҳнатга тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

2013 йил — Обод турмуш йили

ЁШЛАР БАНДЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасидан маълум қилишларича, 2012-2013 ўқув йилида пойтахтимиздаги касб-хунар коллежларини 142 мутахассислик бўйича 36719 нафар ўқувчи битирган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини, турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётта, меҳнатга тўғри муносабатини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга академик лицейларнинг 8963 нафар битирувчисидан 5915 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг 3796 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирди, 658 нафари ишга жойлашди.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари мутахассислар иштирокида жойларда семинарлар ўтказилиб, уларга режа тузишдан бизнесни юритишгача бўлган барча жараёнларда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур микдорда сармоя ажратилмоқда. Натияжада шу кунгача 13 нафар битирувчининг бизнес лойиҳасига тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ажратилди.

Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежидан шу кунларда 1500 нафардан зиёд ўқувчи тахсил олмақда. Коллежда барча жиҳозлар билан таъминланган махсус фан хоналари, замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган компьютер хоналари, спорт зали, ахборот-ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Фанлар бўйича тўғрақларнинг ташкил этилиши ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини юксалтиришга кўмаклашмоқда.

Жорий йил мазкур коллежни молия, банк иши мутахассислиги, солиқ ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик масалалари ҳуқуқшуноси йўналишларида тахсил олган 562 нафар ўқувчи таъминланди. Бугунги кунда коллежни битирган ёшларнинг 236 нафари иш билан таъминланган бўлса, 42 нафар йигит-қиз олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Хозиргача касб-хунар коллежларини таъминлаган ёшлардан 15311 нафарининг бандлиги таъминланди. Уларнинг ўн уч ярим минг нафардан зиёди ишга жойлашган бўлса, 1779 нафар битирувчи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси раҳбари.

Ижара — шартнома асосида ижарачининг зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига мuddатли эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборат. Томонлар маълум мuddатга тузатилган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади.

Ижара шартномасида: ижарага берилмаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, ижара мuddати, ижара ҳақи шартлари ва микдори, уни тўлаш мuddатлари, ижарага берувчи ижарачига бериш керак бўлган мол-мулкнинг ҳолати, ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари, мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш тартиби, ижарага берилган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томоннинг мажбурияти, томонларнинг масъулияти кўзда тутилди.

Мол-мулкни ижарага бериш ана шу мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқининг бошқа кишига ўтказилишига олиб келмайди.

Ижара ҳақи ва мuddатлари ижара шартномасида томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Ижара ҳақини микдори томонлар ўзаро келишувига биноан ўзгартрилиши мумкин. Ижара шартномаси шартларининг ўзгартрилишига, унинг бекор қилинишига ва тўхтатилишига томонларнинг келишувига билан йўл қўйилади.

Шартнома мuddати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачи шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

Агар ижарачи ижарага олинган мулкнинг ҳолатини ёмонлаштирган бўлса ёки уни ўз вақтида эгасига қайтармаса, шунинг оқибатида етказилган зарарни ижарага берувчига тўлашга мажбурдир.

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар мулк ижарасининг мuddати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян мuddатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафини бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян мuddатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа мuddатлари ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг қамчиликларини учун жавобгардир, ижарага олувчи эса мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бериши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса — мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга ҳақли.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни, бинони ва ҳоказоларни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ижарага олинган мол-мулкни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

Турар жой юридик шахсларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун аренда шартномаси асосида берилиши мумкин. Юридик шахс турар жойдан фақат фуқаролар яшаш учун фойдаланиши мумкин.

9. МУЛК ВА ТУРАР ЖОЙ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Турар жой аренда шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда кадастр хизматларида ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Турар жой аренда шартномасида қуйидагилар кўрсатилди: турар жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати, аренда мuddатлари, аренда ҳақи микдори, уни тўлаш мuddатлари, турар жойнинг, муҳандислик қўрилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, турар жойни қайтариш тартиби, турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлиги.

Арендага берувчи турар жойни яшаш учун яроқли ҳолатда арендага бериши шарт.

Жисмоний шахсларга декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга қуйидагилар қиради, яъни:

— мулкдор даромадлар;

— икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг ушлаб қолingan суммалари тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

— солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;

— солиқ тўловчининг идентификация рақами;

— солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларига ахратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад;

даромадларнинг манбалари, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ бўйича имтиёзлар;

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади. Даромадлар тўғрисидаги декларация доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

дастлабки декларацияни — шундай даромадлар юзасига келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик мuddатда;

якуний декларацияни — ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ҳақли.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинган даромад солигини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи кунгача тўлайдилар.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоблаб чиқариладиган жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тўлаш тўлов хабарномасида кўрсатилган мuddатларда амалга оширилиши керак.

Равшан ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари,
жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи



Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Шаҳримиз қиёфаси кундан-кунга ўзгача чирой очиб гўзаллашиб бораётганлиги дилларни қувонтиради.

Айниқса, кейинги йилларда бунёдкорлар томонидан шаҳримиздаги кўчалар қайта таъмирланиб, кенгайтирилганлиги таҳсинга сазовор. Эътиборлики, кенг, равон кўчаларда йўловчиларга замонавий русумдаги «Мерседес-Бенц» автобуслари хизмат кўрсатяпти, бу автобуслар йўловчилар узоғини яқин қияпти.

Кўни кеча шаҳримизга Германиядан яна шундай замонавий автобусларнинг навабдаги туркуми келтирилди. Йўловчиларга қулай таразда хизмат кўрсатиши кўзда тутилмаётган бу транспорт воситалари барчага бирдек манзур бўлиши шубҳасиз. Дарвоқе, автобусда имконияти чекланган инсонлар учун ҳам қулай ўриндиқлар ўрнатилган.

Тез кунларда Германиядан келтирилган янги русумдаги автобуслар аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

Ижара — шартнома асосида ижарачининг зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига мuddатли эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборат.

Томонлар маълум мuddатга тузатилган ижара шартномаси ижара муносабатларининг юзага келишига асос бўлади.

Ижара шартномасида: ижарага берилмаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати, уни ижарага бериш тартиби, ижара мuddати, ижара ҳақи шартлари ва микдори, уни тўлаш мuddатлари, ижарага берувчи ижарачига бериш керак бўлган мол-мулкнинг ҳолати, ижарачининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари, мол-мулкни ижарага берувчига қайтариш тартиби, ижарага берилган мол-мулкни тиклаш ва таъмирлаш юзасидан томоннинг мажбурияти, томонларнинг масъулияти кўзда тутилди.

Мол-мулкни ижарага бериш ана шу мол-мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқининг бошқа кишига ўтказилишига олиб келмайди.

Ижара ҳақи ва мuddатлари ижара шартномасида томонларнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Ижара ҳақини микдори томонлар ўзаро келишувига биноан ўзгартрилиши мумкин. Ижара шартномаси шартларининг ўзгартрилишига, унинг бекор қилинишига ва тўхтатилишига томонларнинг келишувига билан йўл қўйилади.

Шартнома мuddати тугагач, шартномадаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган ижарачи шартномани қайта тиклашда бошқа шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга бўлади.

Агар ижарачи ижарага олинган мулкнинг ҳолатини ёмонлаштирган бўлса ёки уни ўз вақтида эгасига қайтармаса, шунинг оқибатида етказилган зарарни ижарага берувчига тўлашга мажбурдир.

Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар мулк ижарасининг мuddати шартномада белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян мuddатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафини бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян мuddатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа мuddатлари ҳам белгиланган бўлиши мумкин.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг қамчиликларини учун жавобгардир, ижарага олувчи эса мулкдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бериши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса — мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим.

Ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкни ижарага берувчининг розилиги билан иккиламчи ижарага (қўшимча ижарага) топширишга, мулк ижараси шартномаси бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижара), ижарага олинган мол-мулкни текин фойдаланиш учун беришга ҳақли.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни, бинони ва ҳоказоларни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ижарага олинган мол-мулкни ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим.

Турар жой юридик шахсларга эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун аренда шартномаси асосида берилиши мумкин. Юридик шахс турар жойдан фақат фуқаролар яшаш учун фойдаланиши мумкин.

9. МУЛК ВА ТУРАР ЖОЙ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ҲАМДА СОЛИҚЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Турар жой аренда шартномаси ёзма шаклда тузилиши ҳамда кадастр хизматларида ҳисобга олиниши (рўйхатдан ўтказилиши) лозим.

Турар жой аренда шартномасида қуйидагилар кўрсатилди: турар жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати, аренда мuddатлари, аренда ҳақи микдори, уни тўлаш мuddатлари, турар жойнинг, муҳандислик қўрилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, турар жойни қайтариш тартиби, турар жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари, шунингдек, тарафларнинг жавобгарлиги.

Арендага берувчи турар жойни яшаш учун яроқли ҳолатда арендага бериши шарт.

Жисмоний шахсларга декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга қуйидагилар қиради, яъни:

— мулкдор даромадлар;

— икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат бўлади.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосий иш жойи бўйича тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг ушлаб қолingan суммалари тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация шакли Ўзбекистон Республикасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади ҳамда унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

— солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, жинси, фуқаролиги, доимий яшаш жойи манзили;

— солиқ тўловчининг идентификация рақами;

— солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар турларига ахратиб кўрсатилган ҳолда олинган жами йиллик даромад;

даромадларнинг манбалари, чиқимлар ва ажратмаларнинг суммалари;

жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқ бўйича имтиёзлар;

ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси;

ҳақиқатда тўланган солиқ суммаси.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклдаги ахборот тарзида тақдим этилиши мумкин.

Жисмоний шахсининг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация бланкалари солиқ тўловчиларга давлат солиқ хизмати органлари томонидан бепул берилади. Даромадлар тўғрисидаги декларация доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври учун даромадлар тўғрисида жорий йилнинг 1 апрелигача декларация тақдим этади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

дастлабки декларацияни — шундай даромадлар юзасига келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик мuddатда;

якуний декларацияни — ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар тақдим этади.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблашга ҳақли.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари даромадлар тўғрисидаги декларациянинг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилган, жисмоний шахслардан олинган даромад солигини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлайдилар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солигини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг бешинчи

ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ЯНГИ КАШФИЁТИ

Ўзбекистонлик олимлар гўза генларига таъсир ўтказиш йўли билан унинг сифатини яхшилаш технологиясини яратдиши.

Тошкентдаги Ўзбекистон Геномика ва биоинформатика марказининг бир гуруҳ олимлари дунёда биринчи бўлиб янги «Ген-накаут» деб аталувчи технологияни кашф этишди. Бу технология гўза генларига таъсир ўтказиш йўли билан унинг ҳосилини кўпайтириш, сифатини тубдан яхшилаш, толанинг узунлиги ва қўроқчиликка чидамлилигини оширишга асосланган. Ўзбекистонда биринчи гени ўзгартирилган қишлоқ хўжалик экинлари устида олиб борилган илк тадқиқот тажрибада яхши натижаларни берди. Мазкур технология асосида ўзбек селекциялари томонидан пахтанинг «Порлок-1», «Порлок-2», «Порлок-3» ва «Порлок-4» деб номланган янги-навлари яратилди ва бу навлар Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида синовдан ўтказилмоқда.

2013 йилда ушбу самарали технологияга халқаро миқёсда патент берилди. Бу кашфиёт учун Ўзбекистон Республикаси ФА қўшидаги Генетика ва экспериментал биология институти раҳбари Иброҳим Абдурахмонов «2013 йил тадқиқотчиси» деган эътирофга сазовор бўлди.

Хозирги кунда республикамиздаги махсус уруғчилик хўжаликларига «Ген-накаут» усули асосида уруғ етиштириш ишлари бошлаб юборилган.

И.Абдурахмонов Тошкентда бўлиб ўтган IX Халқаро ўзбек пахта ва текстиль ярмаркаси иштирокчиларига ушбу кашфиёт ҳақида батафсил маълумот берди. Унинг таъкидлашича, бу технология асосида гўзанинг томор қисмида генларига таъсир ўтказилади ва унинг касалликларга мойил бўлган генлари йўқ қилинади. Бундай гени ўзгартирилган гўза бошқа навларга қараганда ҳар томонлама устун хусусиятларга эга бўлиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси ФА қўшидаги Генетика ва экспериментал биология институтида айни чоғда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳашаротларга, патоген омилларга ҳамда шўрланмишга чидамлилигини белгилловчи бошқа генларини аниқлаш ва уларга ишлов бериш бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, шу кунларда институт олимлари томонидан «сариқ зангга чидамли бугдой навлари яратиш ва картошка ҳосилини оширишга қаратилган тадқиқот ишлари бошлаб юборилган.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

Бектемир туманидаги 292-мактаб жорий йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос кўринишга эга бўлди. Ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг янги ўқув йилини шинам, ёруғ ва замон талабларига жавоб берадиган масканда бошлаши ўзига хос тантанасига айланиб кетди.

Яқинда ушбу ўқув муассасасида она тили ва адабиёт фанлари бўйича фан ойлиги тадбири уюштирилди. Унда Бектемир тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, ХТМФМТ ва ТЭБ бўлимлари мутасадди ходимлари, «Бинокор» маҳалласи фаоллари ва фахрийлари иштирок этди.

Она тили ва адабиёт фани олий тоифали ўқитувчиси Умида Расулова, иккинчи тоифали фан ўқитувчилари Дилафруза Жумадуллаева, Гавҳар Бакирова, Хуршида Султонова томонидан ўтказилган фан ойлиги дарслари барча иштирокчиларга манзур бўлди.

— Мактабимизнинг тўлиқ таъмирдан чиқарилиши барчамизга янги ўқув йилига муносиб совға бўлди, — дейди 292-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Сайёра Полвонова биз билан суҳбатда. — Ўқувчиларимиз янги ўқув йилининг илк кунини замон талабларига жавоб берадиган кўркам иншоотда, дунё стандартларига мослаб жиҳозланган синф хоналарида кутиб олдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Ишонамизки, келажиги буюк давлатимизнинг изланувчан ёшлари Президентимиз раҳнамолигида

Таълим

БОЛАЛИКНИНГ БАХТЛИ БЕКАТИ

яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажакда Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар.

Дарҳақиқат, жорий йилда таъмирдан чиқарилган мактабда ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. 603 нафар ёшлар таълим олаётган масканда дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Физика, кимё, биология фанлари хоналарида дарс машғулоти самарали амалиёт сабақлари қилинган ҳолда ўтказилади. Замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган лаборатория хоналарида амалий машғулотлар ҳам жуда қизиқарли ўтади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ҳам мактабда дарслар самарали усулларда олиб борилмоқда. Жумладан, инглиз тили

фани ўқитувчиси Гулнора Дуйсекулова башланғич синф ўқувчиларига мослаштирилган машғулотлар бўйича сабоқ беради.

Тадбир доирасида мактаб тарихи ва бугунги ҳаётига бағишланган кўргазма ҳам ташкил қилинди. Мактаб ҳаётини акс эттирувчи расмлар галереяси барча меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Мактаб ҳовлисига экилган мевали ва манзарали дараклар, мавсумий гул кўчатлари ўқув муассасасининг кўрғазми янада кўрк бағишлаб турибди. Кутлуг даргоҳдан қайтар эканмиз, келажакда порлоқ, истикболи ёрқин ёшларимизга ҳавас қўзлари билан боқдик. Дилмизда ҳам, тилимизда ҳам биргина калом айланди. Болаликнинг бахтли бекати ҳамisha гўзалдир.

Гулҳебра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: фан ойлиги тадбиридан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

2013 йил — Обод турмуш йили

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ ТАЯНЧИ

Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, унинг ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз зарур. Яъни ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарт — бу аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир».

Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сийёсатга эга ҳукукий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини ўз олдиға мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикасида оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Жамият тараққиётининг асоси, сиёсий ва ҳукукий тафаккур кўзгуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари борасида бошқа ҳеч бир демократик давлатлар қонунчилигида учрамайдиган принциплар ўз аксини топган. Асосий Қонуннинг 45-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат химоясидалиги, 60-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда давлат муҳофазасида эканлиги, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунга қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурликлари, 65-моддасида фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ҳамда оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши, 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ҳамхўрлик қилишга мажбурлиги қатъий белгиланган бўлиб қўйилган.

Мустақиллик йилларида конституциявий қоидаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита боғлиқ 50 га яқин қонунлар, Президентимизнинг 20 га яқин фармонлари, қарорлари, фармойишлари, ҳукуматимизнинг 70 дан зиёд қарорлари, фармойишлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 30 миллионга яқинлашаётган аҳолининг 98,5 фоизи оилада яшайди. Истиқлол йилларида ёлғиз яшайдиган қариялар сони 3 баравар қаймади. Мавжуд 7,5 миллиондан зиёд оилаларнинг 1 миллиондан ортиғи ёш оилалар ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Президентимиз Ислмо Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва истиқлолнинг дастлабки кунларидан амалга ошириб келинаётган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизациялаш бўйича «Ўзбек модели» бугун дунёнинг тараққиёт сари интилаётган аксарият давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда одамлар ҳаёт сифати ва фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган туб ислохотлар юксак самаралар бераётганини эса вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шахбоз ШУКУРОВ,
Юнусобод тумани
прокуратураси терговчиси,
3-даражали юрист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ

Савдога қўйиладиган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Юқоричирик тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. и.к.ро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Зил 130» д.р. 10 318 ВАА. Бошланғич баҳоси — 10 997 961 сўм. Юқоричирик тумани, Истиклол к.ф.й., Аргани универсал сервис МЧЖ гараж биносида сақланмоқда. 2. Юқоричирик тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. и.ч. «Кейс 2386» д.р. 1484 ЕР. Бошланғич баҳоси — 50 031 338 сўм. 3. Юқоричирик тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. и.ч. «Мазда 7240» д.р. 1811 ЕД. Бошланғич баҳоси — 34 557 797 сўм. Юқоричирик тумани МТП, Янгибозор кўрғони, Баҳор кўчасида сақланмоқда. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 03.01.2013 й. и.ч. 1 - сонли икхро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «ДаймлерБенц» д.р. 20 Р 4444. Бошланғич баҳоси — 42 724 571 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. и.ч. 244 - сонли икхро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «Ваз 2102» д.р. 10 J 607 DA. Бошланғич баҳоси — 2 063 070 сўм. 6. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 05.11.2012 й. и.ч. 11308 - сонли икхро ҳужжати асосан 1972 й. и.ч. «Газ 24» д.р. 11 Т 8238. Бошланғич баҳоси — 1 209 073 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 06.05.2010 й. и.ч. 5446 - сонли икхро ҳужжати асосан 1971 й. и.ч. «Мазда 7240» д.р. Ж 9191 ТШ. Бошланғич баҳоси — 98 856 сўм. 8. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 09.10.2012 й. и.ч. 9209 - сонли икхро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Газ-31029» д.р. 11 Т 6117. Бошланғич баҳоси — 2 020 844 сўм. 9. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. и.ч. 7439 - сонли икхро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «Ваз-21091» д.р. 11 L 641 FA. Бошланғич баҳоси — 6 675 341,04 сўм. «Бекободсавдо» МЧЖда сақланмоқда. 10. Покент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. и.ч. 11-1232/14276, 08.11.2012 й. и.ч. 11-1232/15554 - сонли икхро ҳужжати асосан 2001 й. и.ч. «Нексия-GL» д.р. 10 925 LAА. Бошланғич баҳоси — 13 920 255 сўм. 11. Покент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. и.ч. 11-1232/14276, 08.11.2012 й. и.ч. 11-1229/15554 - сонли икхро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Автомар КС-3562 Б» Маз шассисини 5334 д.р. 11 AC 399. Бошланғич баҳоси — 6 994 755 сўм. Покент тумани, «Пахта тозалаш заводи» ОАЖда сақланмоқда. 12. Покент тумани СИБ томонидан 10.08.2012 й. и.ч. ҳужжати асосан 1978 й. и.ч. «Газ-53» д.р. 11 Х 6605. Бошланғич баҳоси — 9 830 064,62 сўм. Покент тумани ИИБ ДАН жарима майдончасида сақланмоқда. 13. Покент тумани СИБ томонидан 24.12.2009 й. и.ч. ҳужжати асосан «Камаз-5320» д.р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси — 2 343 974,36 сўм. Покент туман «Бунёдкор» МЧЖда сақланмоқда. 14. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7717/8 - сонли икхро ҳужжати асосан 1979 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 N 1125. Бошланғич баҳоси — 379 704 сўм. 15. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3497/9 - сонли икхро ҳужжати асосан «Уаз-3151201» д.р. 12 F 0723. Бошланғич баҳоси — 678 056 сўм. 16. Зангиота тумани СИБ томонидан № 6585/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Камаз 5320» д.р. 30 K 7639. Бошланғич баҳоси — 13 019 387 сўм. 17. Зангиота тумани СИБ томонидан № 14426/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Газ-2401» д.р. 11 X 0861. Бошланғич баҳоси — 1 152 272 сўм. 18. Зангиота тумани СИБ томонидан № 421/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «М-412» д.р. 10 O 160 AA. Бошланғич баҳоси — 941 044 сўм. Зангиота тумани, «Нуррафшон Бизнес Савдо» ХСЙЧ оморхонасида сақланмоқда. 19. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7279/8 - сонли икхро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Мерседес Бенц» д.р. 11 O 4482. Бошланғич баҳоси — 7 290 000 сўм. 20. Зангиота тумани СИБ томонидан № 6074/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 11 Z 7995. Бошланғич баҳоси — 512 210 сўм. 21. Зангиота тумани СИБ томонидан № 6529/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 U 4315. Бошланғич баҳоси — 760 223 сўм. 22. Зангиота тумани СИБ томонидан № 6688/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1980 й. и.ч. «Уаз-452 А» д.р. 11 Q 0474. Бошланғич баҳоси — 1 253 946 сўм. 23. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7056/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Уаз-396201» д.р. 30 C 8069. Бошланғич баҳоси — 1 240 341 сўм. 24. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7180/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Уаз-3151201» д.р. 11 W 7108. Бошланғич баҳоси — 645 441 сўм. 25. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7523/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Ваз-2102» д.р. 11 O 1082. Бошланғич баҳоси — 345 330 сўм. 26. Зангиота тумани СИБ томонидан № 7948/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Заз-968 М» д.р. Ж 1898 ТШ. Бошланғич баҳоси — 57 379 сўм. 27. Зангиота тумани СИБ томонидан № 407/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «М-2140» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 1 103 400 сўм. 28. Зангиота тумани СИБ томонидан № 5343/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «М-412 ИЭ» д.р. 11 A 4471. Бошланғич баҳоси — 611 496 сўм. 29. Зангиота тумани СИБ томонидан № 12445/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Уаз-2206» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 1 229 531 сўм. 30. Зангиота тумани СИБ томонидан № 40506/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1985 й. и.ч. «Уаз-469» д.р. 11 O 6428. Бошланғич баҳоси — 1 195 200 сўм. 31. Зангиота тумани СИБ томонидан № 2525/12 - сонли икхро ҳужжати асосан «Газ-2401» д.р. У 5982 ТШ. Бошланғич баҳоси — 653 400 сўм. 32. Зангиота тумани СИБ томонидан № 10139 - сонли икхро ҳужжати асосан 1981 й. и.ч. «Ваз 2106» д.р. 11 O

9459. Бошланғич баҳоси — 3 452 220 сўм. 33. Зангиота тумани СИБ томонидан № 3838/6 - сонли икхро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Ваз 21011» д.р. 10 T 589 EA. Бошланғич баҳоси — 2 872 719 сўм. Зангиота тумани, «Кўк-Терак Матлубот Инвест» МЧЖ оморхонасида сақланмоқда. 34. Зангиота тумани СИБ томонидан № 8926/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1992 й. и.ч. «ИЖ-21251» д.р. 11 N 0389. Бошланғич баҳоси — 351 126 сўм. 35. Зангиота тумани СИБ томонидан № 8927/9 - сонли икхро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 30 Y 9298. Бошланғич баҳоси — 651 926 сўм. 36. Зангиота тумани СИБ томонидан № 18712/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Ваз-2101» д.р. 10 Y 3505. Бошланғич баҳоси — 1 396 181 сўм. Зангиота тумани, «Бурхон Савдо» МЧЖ оморхонасида сақланмоқда. 37. Зангиота тумани СИБ томонидан № 13935/10 - сонли икхро ҳужжати асосан «Газ-2410» д.р. 10 F 4630. Бошланғич баҳоси — 856 001 сўм. Зангиота тумани, «Эро-милко» МЧЖ оморхонасида сақланмоқда. 38. Зангиота тумани СИБ томонидан № 13798/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 P 0041. Бошланғич баҳоси — 620 036 сўм. 39. Зангиота тумани СИБ томонидан № 13799/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Газ 2410» д.р. 10 L 519 AA. Бошланғич баҳоси — 914 926 сўм. 40. Зангиота тумани СИБ томонидан № 14351/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Уаз-3962» д.р. 11 L 6497. Бошланғич баҳоси — 1 154 290 сўм. 41. Зангиота тумани СИБ томонидан № 14361/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Москвич-412» д.р. 11 Q 0010. Бошланғич баҳоси — 653 672 сўм. 42. Зангиота тумани СИБ томонидан № 851/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 11 X 1806. Бошланғич баҳоси — 1 163 856 сўм. 43. Зангиота тумани СИБ томонидан № 865/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1989 й. и.ч. «Москвич 412» д.р. 11 Z 7714. Бошланғич баҳоси — 726 959 сўм. 44. Зангиота тумани СИБ томонидан № 871/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Москвич 412» д.р. 11 O 1893. Бошланғич баҳоси — 627 100 сўм. 45. Зангиота тумани СИБ томонидан № 4153/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1988 й. и.ч. «Урал-М-67» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 573 460 сўм. 46. Зангиота тумани СИБ томонидан № 4154/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Газ-69» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 925 430 сўм. 47. Зангиота тумани СИБ томонидан № 4155/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Газ-24» д.р. 11 K 4236. Бошланғич баҳоси — 1 303 061 сўм. 48. Зангиота тумани СИБ томонидан № 4915/11 - сонли икхро ҳужжати асосан «Уаз-452» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 1 266 929 сўм. 49. Зангиота тумани СИБ томонидан № 6618/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Урал-М-67» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 463 207 сўм. Зангиота тумани, «Савидумар Абдуллаев» МЧЖ оморхонасида сақланмоқда. 50. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Ошо шени» узатиш учун машина. Бошланғич баҳоси — 280 296 924 сўм. 51. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Насос». Бошланғич баҳоси — 7 101 455 сўм. 52. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Автомат ишлари учун машина». Бошланғич баҳоси — 104 776 896 сўм. 53. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Автома насос станция». Бошланғич баҳоси — 41 212 246 сўм. 54. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Ковшии здева-тор». Бошланғич баҳоси — 189 389 814 сўм. 55. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Ременли транспортер». Бошланғич баҳоси — 71 942 877 сўм. 56. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Хаво компрессори». Бошланғич баҳоси — 7 345 248 сўм. 57. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Таксимловчи цилиндр қисми». Бошланғич баҳоси — 327 065 сўм. 58. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Қириқч тизими». Бошланғич баҳоси — 26 776 318 сўм. 59. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Технология линия». Бошланғич баҳоси — 878 137 436 сўм. 60. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Биттали кўтаргич». Бошланғич баҳоси — 57 883 414 сўм. 61. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Аралаштирувчи бак». Бошланғич баҳоси — 10 943 365 сўм. 62. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 13.02.2013 й. и.ч. 769/13-1047/13 - сонли икхро ҳужжати асосан «Ускунани қўйи тагчарми». Бошланғич баҳоси — 863 617 550 сўм. Ангрэн шаҳар Нуробод кўрғонига жойлашган «Stroymax Invest» МЧЖ корхонасида сақланмоқда. 63. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 10.12.2010 й. и.ч. 19624/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1983 й. и.ч. «Камаз 5320» д.р. 11 A 6717. Бошланғич баҳоси — 10 187 183,16 сўм. 64. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 02.11.2010 й. и.ч. 14057/10 - сонли икхро ҳужжати асосан 1990 й. и.ч. «ИЖ» д.р. 10 L 975 AA. Бошланғич баҳоси — 797 391,82 сўм. Ангрэн шаҳар ИИБ ЙХБ майдонига сақланмоқда. 65. Ангрэн шаҳар СИБ томонидан 03.05.2011 й. и.ч. 3946/11 - сонли икхро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. «М-412» д.р. 11 N 9038. Бошланғич баҳоси — 514

Ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

495,39 сўм. Ангрэн шаҳардаги 29-автокорхона майдонига сақланмоқда. 66. Бўка тумани СИБ томонидан 11.05.2009 й. и.ч. 11-0906/6204 - сонли икхро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «Кавз 685» д.р. 11 AG 524. Бошланғич баҳоси — 2 392 578 сўм. 67. Бўка тумани СИБ томонидан 22.12.2008 й. и.ч. 1-369 - сонли икхро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «Газ-31029» д.р. Z 721 MBM. Бошланғич баҳоси — 1 375 015 сўм. 68. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. и.ч. 391 - сонли икхро ҳужжати асосан «Опел» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 2 607 340 сўм. 69. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. и.ч. 1-258 - сонли икхро ҳужжати асосан «Т-28х4МС1» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 2 234 331 сўм. 70. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. и.ч. 1-258 - сонли икхро ҳужжати асосан «2-ПТС 47

Спорт янгиликлари

ТОШКЕНТЛИК
БАДМИНТОНЧИЛАР
ҒОЛИБ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадминтон федерацияси ҳамкорлигида бадминтон бўйича Ўзбекистон кубоги беллашувлари бўлиб ўтди.

Мусобақада пойтахтлик Темура Каримов эркаклар ўртасидаги яқкалик баҳслари финалида ўз ҳамшахри Артём Саватюгинни мағлубиятга учратиб, Ўзбекистон Кубогини қўлга киритди. Қизиғи шундаки, Темура Каримов юксак маҳорат кўрсатиб, жуфтлик баҳсларида Артём Саватюгин, аралаш жуфтликлар беллашувида эса Анна Смирнова билан ҳамкорликда яна бир жуфт олтин медални қўлга киритди.

— Мен бугунги ғалабамдан хурсандман, — дейди Темура Каримов. — Бу каби мусобақаларнинг ўтказилиши мамлакатимизда бадминтоннинг ривожини йўлида муҳим омил бўлади. Келажакда мен жаҳон чемпионатлари ва бошқа кўплаб нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқиб юртим байроғини қўқларга кўтаришга ҳаракат қиламан.

Хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда пойтахтлик бадминтончи қизлар ғолиб бўлди. Мария Пакина яқкаликлар ўртасида барча рақибаларини мағлубиятга учратган бўлса, жуфтлик беллашувлари Анна Смирнова ҳамда Яна Катеринич ғалабаси билан яқунланди.

Мусобақада пойтахтлик Рафаэль Зокиров, Суҳроб Қосимов, Алишер Холмиров, Мария Саватюгина, бухоролик Файзулла Бахшүллаев, Абдурашул Хўжаев, андижонлик Мансур Нажмиддинов, Сурайё Аҳмаджонова каби бадминтон усталари ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Ўзбекистон кубоги якунига кўра, Тошкент шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти спортчилари иккинчи, бухоролик бадминтончилар учинчи ўринга лойиқ топилди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Футбол бўйича мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида сентябрь ойининг энг яхши мураббийси ва футболчиси аниқлаш мақсадида журналистлар иштирокида ўтказилган сўровнома яқунлари эълон қилинди.

ЛАУРЕАТЛАР
АНИҚЛАНДИ

Сўровномада оммавий ахборот воситалари ходимлари 12 нафар мураббий ҳамда 14 нафар футболчини ғолибликка даъвогар сифатида кўрсатишди. Аммо якунда мутахассисларнинг энг кўп овозларини тўлаган «Нефтичи» жамоасининг маслаҳатчи мураббийси Амет Мамет сентябрь ойининг энг яхши мураббийси деб эълон қилинди.

«Бунёдкор» жамоасининг моҳир ҳужумчиси, чемпионатнинг тўпурарлигига астойдил даъвогарлик қилаётган Александр Пишур сентябрь ойидаги энг яхши футболчи бўлди.

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган футбол мухлислари 2015 йилда Австралияда уюштирилаётган Осиё чемпионати саралаш турнирининг «Е» гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон — Вьетнам миллий терма жамоалари ўртасидаги 3-тур баҳсига гувоҳ бўлишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Гонконг миллий терма жамоаси билан Тошкентда 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этган БАА терма жамоасига сафарда 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб бор-йўғи бир очко билан гуруҳда учинчи ўринда бораётган Миржалол Қосимов шогирдларига ғалаба жуда зарур эди.

Хуллас вьетнамлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушган миллий терма жамоамиз рақиблар дарвозаси олдида хавфли вазиятларни содир этишга интилдиги, учрашувда устунлик қилди. Аммо футболчиларимиз рақиблар дарвозасини ишғол этишда яна муаммога дуч келишди. Кўп ҳолларда тажрибали

футболчиларимиз жуда қулай имкониятлардан фойдалана олишмади.

Бош мураббий Миржалол Қосимов майдонга Сардор Рашидов,

моамиз ҳужумни самарали яқунлади — 2:0.

Шундан сўнг бир оз хотиржамликка берилган ҳамюртларимизни меҳмонлар футболчиси Нгуен Хан-

МУҲИМ УЧ ОЧКО

Жамшид Искандаров, Игорь Сергеевни захирадан туширди. Ёшларнинг майдонга тушиши самара берди. 69-дақиқада Сардор Рашидов узок масофадан меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисобни очди — 1:0.

Орадан 4 дақиқа ўтгач яна ёшларнинг аjoyиб сай-ҳаракатлари сабаб Гейнрих терма жа-

тро жазолади. Унинг зарбасини дарвозабонимиз Элдор Суенов қайтара олмади.

Учрашув яқунланишига санокли сониялар қолганида пахтакорчи Игорь Сергеев меҳмонлар дарвозасини ишғол этди ва ўйин 3:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан яқунланди.



Сардор Усмонов (УБА) олган сурат

ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИ БОШЛАНДИ

Кейинги йилларда Самарқанд эшак эшиш каналида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақалар ҳамда қитъа биринчиликлари уюштириш одатий ҳолга айланиб қолди.

Энди ушбу каналда ўсмирлар ўртасида академик эшак эшиш бўйича Осиё чемпионати ўтказилмоқда. Унда Осиёнинг

кўпгина давлатларидан келган 150 нафар энг маҳоратли спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Мутахассислар-

нинг фикрига кўра Осиё чемпионати медалларига даъвогар жамоалар орасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам бор.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ
— МАМЛАКАТ
ЧЕМПИОНИ

Шаҳримизда таэквондо WTF йўналиши бўйича 11-13 ёшли болалар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган умидли ёш таэквондочилар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Тўрт юз нафар ўсмирлар ва қизлар иштирокида турли вазн тоифаларида уюштирилган мусобақалар якунида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллаган бўлса, фахрли 2-3-ўринлар пойтахт ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Энди Ўзбекистон чемпионатида ўз вазн тоифаларида ғолиб ва совриндор бўлган болалардан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси келгуси йили февраль ойида Озарбойжонда уюштирилаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этишга аҳд қилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аввал Тошкентда, кейин Жанубий Кореяда ўқув-йигин машғулотларини ўтказди.

Футбол бўйича 2015 йилда Австралияда уюштирилаётган Осиё чемпионати саралаш турнири доирасидан ўрин олган Қатар-Яман терма жамоалари ўртасидаги беллашув 6:0 ҳисобида қатарликлар ғалабаси билан яқунланганлиги кўпчиликка маълум.

ҲАКАМЛАРИМИЗ
УЧРАШУВНИ
БОШҚАРИШДИ

Эътиборли жиҳати шундаки, Қатар-Яман терма жамоалари баҳсини ҳамюртимиз, ФИФА рефери-си Валентин Коваленко бош ҳакам сифатида бошқарди. Ушбу учрашувни муваффақиятли бошқаришда Коваленкога ҳамюртларимиз Рафаэль Илёсов ҳамда Маъмур Саидқосимов қанотларда ёрдам беришди.

Ушбу гуруҳдаги Гонконг — БАА терма жамоалари баҳси 0:4 ҳисобида арабларнинг ғалабаси билан яқунланди.

Ўтказилган учинчи турдан сўнг БАА терма жамоаси 9 очко билан гуруҳда карвонбошилиқ қилмоқда. Миржалол Қосимов шогирдлари эса тўрт очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олишди. Худди шундай тўрт очко жамғарган Гонконг терма жамоаси учинчи ўринга тушиб кетди. Бирон очкога эга бўлмаган вьетнамликлар сўнгги поғонада боришмоқда.

Энди 14 ноябрда миллий терма жамоамиз сафарда Вьетнам терма жамоаси билан ўйнайди. Орадан тўрт кун ўтиб, футболчиларимиз Гонконг терма жамоаси билан меҳмонда тўп суришади.

Хулоса қилиб айтганда, сафардаги учрашувларда албатта ҳамюртларимизга ғалаба жуда зарур. Шундагина футболчиларимиз Осиё чемпионатининг финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Кўргазмалар

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК
ИМКОНИЯТЛАРИ
ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Маданият ва санъат кўргазмаси залида Жанубий Корея ва Хитой расомларининг биринчи халқаро «Парвоз» номли кўргазмаси очилди.

Кўргазмага қўйилган ижод намуналари муаллифларининг ёшлари ҳар хил бўлиб, улар уч авлод вакиллари ҳисобланади. Экспозициядан ўрин олган рангасвир, графика ва инсталляция йўналишларидаги асарларда турли мавзулар ва йўналишлар акс эттирилганлигини кўрамиз. Масалан, расом Чень Вэйминь асосий эътиборни кучли ирода ва қайғули ҳақиқатга қаратган бўлса, Хе Жинвей инсонлар руҳини очиб беришга катта аҳамият беради. Ли Жикай асарларида эса инсонларнинг турфа характерлари ва эҳтирослари, уларнинг ўзаро тўқнашув акс этган. Кўргазманинг барча иштирокчиларининг ижод йўналишлари бир-бирдан замон руҳи, муаммолари, тараққиёт даражасини тасвирга туширишда ўзларининг қизиқишлари, имкониятлари, услублари билан фарқ қилади.

Кўргазма очилишида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Давра суҳбати иштирокчиси расом Иброҳим Валихўжаев бизга куйидагиларни сўзлаб берди: «Ушбу халқаро лойиҳа Корея ва Хитой замонавий расомларининг ҳозирги кунда тасвирий санъатининг турли жанр ва йўналишларидаги ижоди, мавзулари билан танишиш имконини беради. Уларнинг Ўзбекистон расомлари билан янги алоқалар ўрнатиш, ижодий ҳамкорлик борасидаги имкониятлари янада кенгайди. Халқлар ўртасидаги дўстлик муостаҳкамланади. Бундай тадбирлар айниқса ёшларнинг дунёқараши кенгайишига, ижодий ўсишига хизмат қилади».

Кўргазма доирасида расомлар билан ижодий учрашув ҳам бўлиб ўтди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



**Саноат корхонаси
ишлаб чиқариш
жараёнига тажрибаси
бўлган**

— 4-6 тоифали электр
монтажчилар;
— 4-6 тоифали
электрикларни доимий ишга
қабул қилади. Иш ҳақи 2
миллион сўм ва ундан
юқори.



**Корхона ишчиларни хизмат
транспорти, бепул овқат билан
таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида
тўланади.**

**Чимёнда болалар соғломлаштириш
оромгоҳига эга.**

241-10-81 иш.,
Мулоқот учун телефонлар: 929-55-97 моб.,
167-17-58 моб.



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 10-12, кундузи — 18-
20 даража иссиқ бўла-
ди.

Тошкент шаҳрида 22 октябрь кунини ҳаво ўзга-
риб туради, вақти-вақти би-
роити шаҳар ҳаво муҳитида
лан ёмғир ёғади. Шарқдан се-
кундига 3-5 метр тезликда
эсган шамол гарба томон
йўналишини ўзгартириб, ку-
чайган ҳада 12-17 метр тез-
ликда эсади. Ҳарорат кечаси

Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотига кўра,
Тошкент шаҳри об-ҳаво ша-
роити шаҳар ҳаво муҳитида
зарарли моддаларнинг бир оз
тарқалиб кетишига имконият
яратди. Атмосферанинг иф-
лослиши даражаси 1-3 фойз
пасайиши тахмин қилинмоқ-
да, таъмиқдорчи паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 23 октябрда чиқади)

Тошкент
Оқшони

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1041

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
8632 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга тошпирилди: 14.30